

Ташилот номи:	Адлия вазирлиги юридик техникумлари
Таркибий бўлинма номи:	Ёшлар билан ишлаш бўлими
Танлов босқичи:	Сухбат
Савол йўналиши:	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (30 та савол)

1. Сиз таълим муассасасида ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий йўналишида масъул бўлган таркибий тузилмада фаолият олиб бормоқдасиз. Сизга бир талаба келиб ўзида психологик аҳволи ўзгараётганлиги, кўпинча руҳий тушқинликка тушиб қолаётганлигини айтди.

Савол: Бундай ҳолатда Сиз қандан йўл тутасиз?

2. Сиз университетда тьютор лавозимида фаолият олиб бормоқдасиз. Эрталаб ишга келаётиб университет кириш қисмида сизнинг факультетингизга қарашли бўлмаган талаба ва кўриқлаш хизмати ходими ўртасида келишмовчилик туфайли муаммоли музокара бўлиб тургани кўрдингиз.

Савол: Бу ҳолатда Сиз қандай тутар эдингиз?

3. Талабаларнинг таълим тарбияси билан масъул бўлган таркибий бўлинмада фаолият олиб бораётибсиз. Бир талаба иш фаолиятингизни олиб бораётган хонага келиб сизга бир курсдоши иқтидорли эканлигини, анчадан буён мақола ёзиш истагида юрганлиги ва нимадан бошлаши кераклигини билмай юрганлигини айтиб қолди.

Савол: Таълим ва тарбияга масъул бўлган ходим сифатида Сизнинг ҳаракатларингиз нималардан иборат бўлиши керак?

4. Сиз таълим муассаси тьютори лавозимида фаолият олиб бормоқдасиз. Тушликка чиққанингизда университет ҳудудида 2 та талабангиз тортишиб, атрофдагиларнинг этиборини ўзига қаратаётганлиги кўрдингиз.

Савол: Талабаларнинг тарбиясига масъул ходим сифатида ҳаракатларингиз кетма-кетлигини айтиб беринг.

5. Сиз таълим муассасаси тьютори лавозимида фаолият олиб бормоқдасиз. Сизга бириктирилган гуруҳда таҳсил олаётган 2 нафар талаба гоҳ белгиланган формасиз, гоҳ соч-соқолини ўстирган ҳолда келмоқда. Бу ҳолат гуруҳда ўқиётган бошқа талабаларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сиз бу ҳолат бўйича талабаларни бир неча маротаба оғзаки огоҳлантиргансиз.

Савол: Сизнинг кейинги ҳаракатларингиз кетма-кетлиги нимадан иборат эканлиги айтиб беринг?

6. Сиз етук малакали кадр сифатида шаклланишга интилаётган 2 нафар талабани яхши танийсиз. Бири ўқиш ва касбий фаолияти учун ҳам касбий, ҳам шахсий нуқтаи назардан ўз олдида муайян мақсадларни қўяди ва уларга эришиш учун бир қанча саъй-ҳаракат, чора-тадбир ва амалларни бажаради. Аммо иккинчисида шахсий хислатлар ва қатъият мавжуд эмас. У режалаштирган мақсадларига эришишда муваффақиятсизликка учраши ёки

олдинга интилишга жазм қила олмай қолиши мумкинми? Бунда, юзаки караганда ўхшаш, бироқ моҳиятан бир-биридан жиддий фарқланувчи икки тушунчага дуч келамиз. Булар мақсад ва орзу тушунчаларидир.

Савол: Мақсад ва орзунинг фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади? Мақсадга эришишда орзунинг ўзи кифоя қиладими?

7. Талабалар билан ишлашда қарор қабул қилиш кўникмаси ҳаётингизда жуда муҳим ҳисобланади, зеро, айнан қарорлар занжири ва тўғри танлай билишгина хоҳлаган натижага олиб келади.

Тўғри қарорлар қабул қилишни қандай ўрганиш мумкин?

8. Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси 144-уйда истиқомат қилувчи Б исмли шахс Самарқанд юридик техникумининг 2-курсида тахсил олади. Мазкур Б исмли шахс курсдошларига келажакда Тошкент давлат юридик университетига грант асосида ўқишга қабул қилинишини ҳамда ўқиш давомида университет стипендияси совриндори бўлишини айтиб ўтди. Унинг курсдошлари университетда шундоқ ҳам стипендия тўланадику деб ўз фикрларини бирма-бир айтиб ўтишди. Б исмли шахс мазкур стипендия одатдаги стипендиядан фарқ қилишини уни қўлга киритиш низомда белгиланган мезонларга амал қилиши кераклигини айтиб ўтишди.

Вазиятга қонун ҳужжатлари асосида асосли жавоб беринг!

9. Тошкент давлат юридик университети бакалавр йўналишида тахсил олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясини қўлга киритиш учун Маънавият ва маърифат марказига мурожаат қилди. Маънавият ва маъркази ходимлари мазкур стипендияни қўлга киритиш учун мазкур қуйидаги қонун ҳужжати билан танишиб чиқиши кераклигини айтиб ўтишди.

Вазиятга қонун ҳужжатлари асосида асосли жавоб беринг!

10. Тошкент давлат юридик университетига қабул қилинган 1-босқич талабаси университет грантини қўлга киритиш учун ўз йўналиши бўйича деканатига мурожаат қилди. Деканат ходимлари мазкур талабага университет грантига номзод бўлиш учун 2-босқичда ҳаракат қилиб кўришини айтиб ўтди. Деканат ходимлари жавобидан норози бўлган талаба университет Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига масалага ойдинлик киритиш мақсадида ариза билан мурожаат қилди.

Масалага асосли жавоб беринг!

11. Тошкент давлат юридик университети бакалавр йўналишида тахсил олаётган талабалар Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида (Навоий, И.Каримов) маълумот олиш учун Маънавият ва маърифат марказига мурожаат қилди. Маънавият ва маъркази ходимлари мазкур стипендияни қўлга киритиш учун мазкур низом қуйидаги қонун ҳужжати билан танишиб чиқиши кераклигини айтиб ўтишди.

Вазиятга қонун ҳужжатлари асосида асосли жавоб беринг!

12. Тошкент давлат юридик университети иқтидорли талабаларини билим даражасини билиш мақсадида вазирлик томонидан аттестация ташкил этилди. Мазкур аттестацияда Тошкент давлат юридик университети

талабалари қайси номли давлат стипендияларига талабгор бўлиши мумкинлиги тўғрисида савол ҳам мавжуд эди.

Масалага асосли жавоблар орқали ёндашинг!

13. Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Тошкент давлат юридик университети талабаси билан ижара асосида бир манзилда яшаб келади. Тошкент давлат юридик университети талабаси университетда Ғафур Ғулом стипендияси ва кўкрак нишонига танлов бошланганлиги тўғрисида хонадошига айтиб ўтди. Мазкур Ғафур Ғулом стипендиясини қўлга киритса анчагина миқдорда ойма-ой 10 ой давомида пул тўлаб берилиши айтиб ўтди.

Масалага асосли жавоб беринг!

14. Тошкент давлат юридик университети иқтидорли талабаси курсдошига оилавий шароити оғирлиги сабабли университетдан моддий ёрдам сўраб мурожаат қилмоқчи эканлигини айтганида, курсдоши университетда университет таълим гранти мавжудлиги ҳамда мазкур таълим грантини қўлга кирица тўлов-контрактининг 50 фоизи университет томонидан қоплаб берилиши мумкинлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Масалага асосли жавоб беринг!

15. Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилинган 1-курс талабаларининг айримлари билан университетда иқтидорли талабалар учун қандай имкониятлар яратилгани бўйича университет Маънавият ва маърифат марказига мурожаат қилди.

Масалага асосли жавоблар беринг!

16. Тошкент давлат юридик университетига қабул қилинган 1-босқич талабаси Ғафур Ғулом номидаги махсус стипендияни қўлга киритиш учун ўз йўналиши бўйича деканатига мурожаат қилди. Деканат ходимлари мазкур Ғафур Ғулом номидаги махсус стипендияни қўлга киритиши учун 2-босқичда ҳаракат қилиб кўришини айтиб ўтди. Деканат ходимлари жавобидан норози бўлган талаба университет Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига масалага ойдинлик киритиш мақсадида ариза билан мурожаат қилди.

Масалага ойдинлик киритинг!

17. Тошкент давлат юридик университети иқтидорли талабаси курсдошига оилавий шароити оғирлиги сабабли университетдан моддий ёрдам сўраб мурожаат қилмоқчи эканлигини айтганида, курсдоши университетда университет стипендияси мавжудлиги ҳамда мазкур стипендияни қўлга кирица ойма-ой яхшигина пул тўлаб берилишини айтиб ўтди.

Масалага асосли жавоб беринг!

18. Бўш иш ўринлари учун эълон қилинган танловда иштирок этганлар орасидан бир номзоднинг ҳужжатлари қабул қилинмаслиги маълум қилинди. Номзод томонидан мазкур ҳолат юзасидан асос сўралганда унинг сўровига тегишли ҳужжатлар кўрсатилмади. Фуқаро ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида судга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

19. Муассасага тегишли бўлган техникага ходим томонидан зарар етказилди. Уларнинг ушбу ҳаракати маъмурий ҳуқубузарлик сифатида баҳоланиб, тегишли маъмурий жазо белгиланди. Бироқ ходимлар ўзларининг жанжали натижасида етказилган зарарни қоплаб беришдан бош тортди. Муассаса раҳбарияти ушбу ҳолат юзасидан маъмурий судга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

20. Ходим М.Асланов ишга қабул қилинаётганда унинг вазифалари Кадрлар бўлими ва бўлим бошлиғи томонидан тўлиқ тушунтирилди. Ходимнинг шартномасида меҳнат фаолиятдан ташқари университет фаолиятига тегишли ишлар ҳам шарт қилиб қўйилган эди. Бироқ ходим ҳар гал ўзига белгиланган вазифаларни талаб этилган даражада бажарсада, университет фаолиятига тегишли ишларни бажармай келаверди. Ходим бунинг учун огоҳлантирилганига қарамасдан, вазият давом этаверди. У ўз йўналишидаги вазифаларни аъло даражада бажараётганини, қолган шартларни иш берувчининг талаб этишга ҳуқуқи йўқлигини иддао қиларди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

21. Фуқаро А.Азизов марказга дастлабки синов шarti билан қабул қилинди, бироқ, орадан 6 ойга яқин муддат ўтган бўлса ҳам у билан ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаси тузилмади. Ташкилот бунга ҳақилими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

22. Ходим М.Саъдуллаев Медиа марказга 2 ойлик дастлабки синов шarti билан қабул қилинган эди. Бироқ, ходим ўзига топширилган вазифаларни тўлиқ бажара олмади. Муассаса ходимни синов даври ниҳоясига етмасдан синов натижасини “қоникарсиз” дея меҳнат шартномасини бекор қилди. Ташкилот меҳнат шартномасини синов даври ниҳоясига етмасдан туриб бекор қилиши мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

23. Фуқаро К.Баҳриев Медиа марказга тасвирчи сифатида ишга қабул қилинган. Бироқ орадан маълум бир муддат ўтгандан сўнг марказдаги штатлар жадвалида ўзгариш бўлгани туфайли К.Баҳриевга видеомонтаж ишлари ҳам юклатила бошлади. Сабаби у видеомонтаж технологияларини ҳам яхши билар эди. Лекин мазкур ишлар унинг шартномасидаги меҳнат шартларига киритилмаган эди. У бу ҳолатнинг сабабини сўраганида унинг шартномасидаги меҳнат шартларига ўзгариш киритилгани маълум қилинди. Ташкилот бу ўринда тўғриш қилганми? Ходимнинг розилигисиз меҳнат шартлари ўзгартириш мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

24. Фуқаро А.Султонов Медиа марказга тасвирчи сифатида ишга қабул қилинган. Бироқ орадан маълум бир муддат ўтгандан сўнг марказдаги штатлар жадвалида ўзгариш бўлгани туфайли унинг меҳнат шартномасидаги меҳнат шартларига ўзгартириш киритилиб, А.Султоновга видеомонтаж ишлари ҳам юклатила бошлади. Ходим эса мазкур меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этди. Университет эса бундай тақдирда у билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини маълум қилди. Ушбу ҳолатда А.Султонов қандай йўл тутиши керак?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

25. М.Азимов Медиа марказга видеотасвирчи лавозимига ишга қабул қилинди. Бироқ орадан 2 ой ўтгандан сўнг у билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. М.Азимов бунинг сабабини сўраганда унинг дастлабки синов натижаси қониқарсиз бўлгани маълум қилинди. Лекин унинг меҳнат шартномасида дастлабки синов ўташ ҳақида ҳеч қандай банд киритилмаган эди.

Иш берувчининг ҳаракатларига амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

26. А.Бекмуродов Медиа марказга сценарист сифатида ишга қабул қилинган. У видеотасвир бўйича ҳам билим ва кўникмага эга эди. Шу сабабдан унинг розилигиз А.Бекмуродовни видеомонтажчи лавозимига ўтказишди. У эса бу ишни рад этди. Ташкилот бунга ҳақлими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

27. Ходим Д.Давронов ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун иш берувчига мурожаат қилди. Бироқ иш берувчи айни пайтда муассасада фестивал ўтказилаётгани боис ушбу ишларга кўмаклашиб туришини ва унинг ўрнига ходим топилиши билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини айтди ҳамда бу муддат 10 кундан ошиши мумкинлигини огоҳлантирди. Лекин, Д.Давронов у билан шартномани ўша пайтнинг ўзида бекор қилинишини талаб қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

28. Ходим А.Салимов ўрта-махсус маълумотга эга. У жорий йилда олий ўқув юртига қабул қилингани сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб, иш берувчига мурожаат қилди. Бироқ унга буни икки ҳафта олдин огоҳлантирмагани сабабли меҳнат шартномаси икки ҳафтадан кейин бекор қилиниши маълум қилинди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

29. Ходимга унинг малакаси етарли бўлмагани сабабли бошқа ишга ўтиш таклиф этилди. Бироқ ходим бошқа ишга ўтишни рад этиб, ўрнида қолмоқчилигини маълум қилди. Агар унинг талаби бажарилмаса ходим судага мурожаат қилишини маълум қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

30. Д.Чориев Техника коллежини тугатиб ўрта маълумотли диплом билан 2012-2015 йиллар оралиғида Китоб тумани электр тармоқлари корхонасида механик ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 2019 йилда Тошкент давлат техника университетини битириб, 2020 йил мазкур корхонага механик бўлиб ишга кирди. Корхона раҳбари меҳнат шартномаси тузилаётган пайтда унга нисбатан уч ойлик дастлабки синов муддати белгиланганини айтди. Орадан бир ой ўтгач, иш берувчи Чориевга дастлабки синов муддатини яна бир ойга чўзганлигини маълум қилди. Иш берувчининг мазкур ҳаракатларидан норози бўлган Чориев туман меҳнат инспекторига мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг